ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 19 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (13.229)

Баҳоси эркин нархда

АҚШ ЭЛЧИСИ: “ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЯНГИ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТДИ”

Тобора яқинлашиб келаётган республикамиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон халқи номига кўпдан-кўп самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Шу билан бирга, чет давлатларнинг Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ҳам юртимиз раҳбарияти ҳамда халқини ушбу қутлуғ сана билан қизғин табриклашмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларига баҳо берар экан, ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди:

— Энг аввало, мустақиллик байрамингизнинг йигирма беш йиллиги муборак бўлсин, дея табриклашга ижозат берсангиз. Бу сана Ўзбекистон учун муҳим даврни бошлаб бергани билан аҳамиятлидир. Зеро, мамлакатингиз кейинги йигирма беш йил ичида янги давлатни барпо этди.

АҚШ Ўзбекистонни тўлақонли мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб тан олган эди. 1992 йилдан буён биз кўпгина муҳим масалалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Мазкур соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ўзбекистонда самарали давлат институтларини шакллантиришда ўсиш кузатилиб, бу фуқароларнинг манфаатларини янада кенг таъминлаш имконини бераяпти. Шуни қайд этиш керакки, мустақил фуқаролик жамияти замонавий давлатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бусиз давлат ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олмайди.

Ўзбекистон иқтисодиёти катта салоҳиятга эга бўлиб, АҚШ бу борада фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, республика Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашгани унинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтиради. Ўзбекистонда Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қилади. Бу эса мамлакатнинг минтақадаги асосий савдо-иқтисодий марказ бўлишига хизмат қилаяпти. Американинг қатор йирик компаниялари, жумладан, “Боинг”, “Женерал Моторс”, “”Женерал Электрик”, “Кейс Нью Ҳолланд” ҳамда бошқалар Ўзбекистон компаниялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, инвестиция ҳамкорлигини муваффақиятли йўлга қўйган. АҚШ компаниялари юртингиз иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш билан қараб келади. Яқинда икки мамлакатнинг ҳукумат ва бизнес вакиллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида Американинг кўплаб компаниялари қатнашгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон халқи мамлакатда оилани мустаҳкамлаш борасидаги ишлар, бу йўналишдаги миллий анъана ҳамда қадриятлари билан фахрланишга ҳақлидир. Бинобарин, жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини ошириш ғояси мужассам. Президент Барак Обама айтганидек, “Оналар — бизларнинг биринчи дўстларимиз ҳамда муаллимларимиз, улар бизларни катта марраларни забт этишга илҳомлантиради, дуч келадиган муаммоларимиз ёки танлайдиган йўлимиз қандай бўлишидан қатъи назар, бизларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар”.

Шу ўринда қайд этиш керакки, АҚШ халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда 1993 йилдан буён мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш соҳасида яқиндан кўмак кўрсатиб келмоқда.


Ўзбекистон бой ислом тарихига ва турли динлар вакиллари ёнма-ён истиқомат қилаётган кўп конфессияли жамиятга эга бўлган дунёвий давлатдир. Мен бу ажойиб мамлакат бўйлаб сафарларим ҳамда оққўнгил ва меҳмондўст халқингиз билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп суҳбатларим чоғида Ўзбекистон рангбаранглигининг бутун моҳияти ҳамда бойлигини ҳис этишга муяссар бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда мебель саноати жадал ривожланмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастури натижасида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз тури кўпаймоқда. Шаҳримизда улуғ айёмни янги ва сифатли маҳсулот турларини ўзлаштирган ҳолда кутиб олаётган корхоналар талайгина.



Тадбиркорлик

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Юнусобод туманида фаолият юритаётган “MEHAU TRADE” масъулияти чекланган жамияти ҳам тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, бозор талаблари асосида иш олиб бораётган ана шундай илғор корхоналар сирасига киради.

— Мустақил диёримизда кичик ва хусусий тадбиркорларга кенг йўл очиб берилаётганлиги ва уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги бугунги кунда ўз мевасини бермоқда, — дейди корхона раҳбари Ёқуб Аҳмаджонов. — Корхонамиз 2010 йилда ташкил топган бўлиб, 80 га яқин мебель жиҳозларини ишлаб чиқармоқдамиз. Мактабгача таълим муассасалари, олий таълим даргоҳлари, тиббиёт масканлари, ошхона, ётоқхона, офис учун керакли бўлган жиҳозлар харидорларга етказилмоқда. Асосан буюртма бўйича маҳсулотларимизни харидорларга етказиб берамиз.

Масъулияти чекланган жамияти турли кўргазма ва танловларда фаол қатнашиб келади. Ҳар хил кўргазмаларда ва тадбиркорлик кунларида ўз маҳсулотларини намойиш этаётгани кўплаб шартномалар имзолаш имконини бермоқда.

Юртимизнинг вилоятларига ўз маҳсулотини етказиб бераётган корхона келгусида маҳсулотлар турини янада кўпайтириш ҳамда экспортга чиқаришни режалаштирган.

Зиёда РАСУЛОВА

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ОБОД

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу қутлуғ айёмни муносиб кутиб олишга қизғин тараддуд кўрилаётир.

Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида теварак-атрофни тартибга келтириш, ободонлаштириш, ариқ-зовурлар, хиёбонларни тозалаш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 августда қабул қилинган фармойиши бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги тадбирлари пойтахтимизда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлимидан маълум қилишларича, ободонлаштириш ишлари жараёнида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар, ҳовлилар, боғ ва сайилгоҳларни тартибга келтириш, чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлаш, кўчаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида маҳаллалар ҳудудидан ўтадиган юзга яқин кўча таъмирланиб, намунавий кўчага айлантирилмоқда.

– Маҳалламиз ҳудудидан ўн учта кўча ўтади, – дейди ЎзА мухбирига Шайхонтоҳур тумани “Лабзак” маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Ҳафиза Собиржонова. – Ушбу йўлларни таъмирлаш ва теварак-атрофини ободонлаштириш ишларида аҳоли фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунгача йўлларнинг қарийб ярми таъмирланди ва кўчалар намунавий ҳолатга келтирилди.

Кейинги йилларда маҳаллаларда яна бир замонавий инфратузилма – болалар ўйин майдончалари ҳам кўпаймоқда. Бундай масканлар нафақат болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, балки саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан чиниқтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир майдончада ўнга яқин ўйин қурилмаси ўрнатилган. Бундай масканларнинг техник ҳолати, тозалиги маҳалла томонидан доимий назорат қилинади. Яроқсиз ҳолга келган ўйин қурилмалари янгиланиб, такомиллаштирилиб борилмоқда.

Кўп қаватли уйларни таъмирлаш, кўчаларни ёритиш тизимини модернизациялаш, чиқинди йиғиладиган майдончаларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда маҳаллаларнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари, “Махсустранс” корхонаси, Ободонлаштириш бошқармаси билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйгани яхши самара бермоқда.

– Тоза-озода, обод жойда файзу барака бўлади, – дейди Шайхонтоҳур тумани “Оқилон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Аҳмедов. – Шунинг учун юртимизда катта шодиёналар, байрамлар олдидан умумхалқ ҳашарлари уюштирилиб, хонадонлар, маҳалла, кўча ва хиёбонлар, гузарлар, муқаддас қадамжоларни янада обод қилиш яхши анъанага айланган. Халқимизга хос бундай хайрли ишларда пок ниятларимиз, эзгу орзу-мақсадларимиз ўз ифодасини топмоқда. Мустақиллик байрами арафасида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ўтказилиши ҳам энг улуғ, энг азиз айёмни юртимизнинг ҳар бир гўшасида муносиб нишонлашга хизмат қилмоқда.

Шу кунларда ободонлаштириш ва тозалик ойлигини, **20-21 августда** ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда, кенг аҳоли иштирокида ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараёндаги ишларни изчиллик билан ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол қатнашганларни муносиб рағбатлантириш мақсадида хонадонлар, кўчалар, маҳаллалар, ободонлаштириш ишларига муносиб улуш қўшаётган ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорлар ўртасида танловлар эълон қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА

Бразилияда бўлиб ўтаётган XXXI Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда. Деярли ҳар бир вазн тоифасида чарм қўлқоп усталаримиз ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишга ҳаракат қилишмоқда.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жумладан, кеча 75 килограммгача вазндаги боксчилар ўртасидаги ярим финал беллашувида рингга чиққан энг тажрибали ва умидли боксчимиз — ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Меликўзиев мексикалик рақиби Мисаэль Узиел Родригез устидан катта устунлик билан ғалаба қозонди ва финалга йўлланма олди. Ўйлаймизки, Бектемир ҳал қилувчи баҳсни ҳам бор куч-тажрибасини ишга солгани ҳолда ўтказиб, олтин медални қўлга киритади. Бунинг учун унда барча имкониятлар етарли.

Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида қатнашган яна бир спортчимиз Муроджон Аҳмадалиев бронза медалини қўлга киритди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги “Кампирровот” маҳалла фуқаролар йиғинида Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг чегараолди маҳаллалари аҳолиси билан учрашуви бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган тадбирда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари, чегара ҳудудларидаги маҳаллалар аҳолиси, жамоатчилик вакиллари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Нукусда “Фермерлик ҳаракати – қишлоқларимизнинг янада ривожланишида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, фермерлар, солиқ ва банк тизими ходимлари, Қорақалпоғистон Фермерлар кенгаши вакиллари, журналистлар иштирок этди.

● Андижон шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган “Камолот” уйи фойдаланишга топширилди. Уч қаватли, 90 хонадондан иборат икки, уч ва тўрт хонали уйда ёш оилалар учун барча қулайликлар яратилган.

● Гулистонда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари учун ўқув-семинари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кучли ўрмон ёнғинлари Португалиядаги Мадейра оролининг Фуншал шаҳри аҳолининг яшаш жойларига қадар етиб борди. Хавф юқорилиги туфайли 300 нафарга яқин аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда ёнғинни бартараф этиш ишида мингдан зиёд аҳоли вакиллари қатнашмоқда.

● Бельгия миллий лотереяси ташкилотчилари 6 миллион евро ютиб олган ғолибни тополмадилар. Яъни, 26 март куни 6,170 миллион евро ютиб олган Брюсселда яшовчи шахс белгиланган охирги муддат – 13 августгача ютуқни олиш учун келмади. Эгаси чиқмаган улкан ютуқ лотерея ютуқлар фондига қайтарилди.

● Перуда магнитудаси 5,4 балга тенг зилзила рўй бериши оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, 40 дан ортиқ одам жароҳатланди.

Танловлар



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Айни кунларда юртимизда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, танловлар ўтказилмоқда.

Кеча ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий санъат ходимлари ўртасида фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллиги байрамини нишонлаш арафасида ўтказиб борилади. Соҳа ходимларининг меҳнатлари эътироф этилиб, тақдирланади.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Акромов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директори М.Сафаров ва бошқалар мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларимиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали давлат унитар корхонаси "Маърифий-кўнгилочар ва кинодастурлар" бош муҳарририятининг бош муҳаррир ўринбосари Шунқор Чориев, "Тошкент" телерадиоканали давлат унитар корхонаси "Тошкент" ахборот дастурлари бош муҳарририяти "Дўстлик" бўлимининг катта муҳаррири Муҳаббат Инагамова, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси Александр Тюрин, "Йўловчитранссервис-хизмат" унитар корхонасининг етакчи мутахассиси, "Пойтахт транспорти" газетаси мухбири Эргашжон Хўжаевлар "Энг улуғ, энг азиз" танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби бўлдилар.

Биз ғолибларни суҳбатга чорладик:

— Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тўйи арафасида "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танлови ўтказилишининг ўзиёқ давлатимиз томонидан ОАВ ходимларига бўлган эътибор, меҳнатларимиз эътирофининг натижаси деб биламан, — дейди радиожурналист Муҳаббат Инагамова. — Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши ҳар бир ижодкор зиммасига катта масъулият юклайди.

— Камтарона меҳнатларимизни эъзозлаб, ғолиб деб топишганидан беҳад хурсандман, – дейди ижодкор Эргашжон Хўжаев. – Бугунги кунда газетамизнинг замонавий технологиялар асосида сифатли ва ўқишли тарзда газетхон қўлига етиб боришининг ўзи ҳам истиқлол шарофатидандир. Шундай юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

– Танлов ғолиблари сафидан ўрин олишим мен учун кутилмаган янгиликка айланди, — дейди рассом Александр Тюрин. – Бу нафақат менинг, балки барча ҳамкасбларимнинг ҳам ютуғидир Ижодий ишларимизда янги-янги марраларга эришишимизда бундай кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс.

Тадбир сўнгида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори билан қабул қилинган ягона портал орқали электрон хизматларни кўрсатишнинг янги тартиб-таомиллари"га бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаевнинг таъкидлашича, шу йилнинг июнь ойидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни "электрон ҳукумат" соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратишга хизмат қилади.

Мазкур Қонуннинг амалга татбиқ этилиши фуқароларнинг давлат идораларидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллардан ҳимоя қилиб, давлат хизматларидан осон ва тез фойдаланишлари, иш жараёнини соддалаштириш, тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни мақбуллаштириш учун замин яратади.

Маълумот сифатида айтганда, 2013 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келаётган Ягона портал орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматлар сони бугун 280 турдан ортган. Ҳозиргача ушбу электрон давлат хизматларидан 730 дан кўпроқ фуқаро фойдаланган бўлиб, фойдаланувчиларнинг 44 фоизи аҳоли ва 5 фоизи тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Электрон давлат хизмати фуқароларга масофадан туриб давлат органлари билан ўзаро электрон муносабатларни амалга ошириш шароитларини яратиб, "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатади. Яъни, давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш тизими йўлга қўйилиб, фуқаронинг бошқа давлат идорасига ариза кўтариб боришига чек қўйилади. Асосий давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари зарур бўлган маълумотларни идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида, хусусан электрон шаклда олади.

Йиғилишда қайд этилганидек, электрон хизматлар кўрсатиш тизимининг такомиллашуви давлат хизматлари кўрсатишнинг ошкора ва умумфойдаланадиган механизмларини яратиш, хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартириш ва ижро этиш тартибини марказлашган ҳолда назорат қилиш орқали самарадорликнинг ошишига, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари харажатларининг қисқаришига хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З.ШАРИФЖОНОВ

АҚШ ЭЛЧИСИ: "ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЯНГИ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТДИ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Замонавий Ўзбекистон — халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти, АҚШ унинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлайди.

АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари кенг кўламли масалаларни қамраб олган, улар ўзаро манфаатлар, муштарак ҳурмат асосидаги фаол ҳамда очиқ мулоқот воситасида кўриб чиқилмоқда. Умумий хавф-хатарларга ва хавфсизликка таҳдидларга қарши туриш масалаларида ҳамкорлик қилаяпмиз. Биз ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш, АҚШ сармоядорларини Ўзбекистонга жалб этишни қўллаб-қувватлаш имкониятлари бўйича изчил иш олиб борамиз. Илм-фан ҳамда технологиялар соҳаларида маданият ва таълим, жумладан, инглиз тилини ўқитиш ҳамда академик ва маданий алмашувларни кенгайтириш борасидаги алоқаларни янада ривожлантиришни истардик.

Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатлар мустаҳкамланишини давом эттиришга интилмоқда. Буни юқори мартабали расмийларнинг Ўзбекистонга ташрифлари мисолида кўриш мумкин. АҚШ Давлат котиби Жон Керри Марказий Осиёнинг беш мамлакати ҳамда Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг учрашувида (С5+1) иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди, АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги раҳбари Жозеф Вотел июнь ойида Президент Ислом Каримов билан конструктив музокаралар ўтказди. Яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган С5+1 шаклидаги учрашувда Ўзбекистон делегациясининг қатнашгани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик энг юқори даражада давом этаётганидан далолат беради.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгуси йилларда ҳам равнақ топишига ишонамиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг юбилей байрами муносабати билан Америка халқи ва Тошкентдаги АҚШ элчихонасидаги ҳамкасбларим номидан халқингизга тинчлик, бардавом фаровонлик, эзгу ишларида муваффақиятлар, саломатлик ҳамда бахту иқбол тилайман! Келгуси 25 йил ҳам Ўзбекистонга ва мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларга янада катта яхшиликлар олиб келсин. Мустақиллик байрамингизнинг йигирма беш йиллиги муборак бўлсин! Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан бўладиган кўпдан-кўп шодиёналарни интизорлик билан кутамиз!

"Жаҳон" АА

БАНК ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда "Ўзмиллийбанк"нинг мутасадди ходимлари ҳамда банк қошида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ходимлари иштирок этишди.

Мамлакатимизда банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида республикамиз банкларида мижозларга хизмат кўрсатиш тизими кун сайин ривожланиб бормоқда. Соғлом рақобат муҳити шаклланиб, банкларимиз жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатаётир. Айни шу жиҳатлар туфайли республикамиз банк тизими ривожланиш истиқболлари халқаро рейтинг компаниялари томонидан бир неча йилдан буён "барқарор" дея эътироф этилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ушбу банк фаолияти "Moody's Investors Service", "Standard and Poor's" халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳолаб келинмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият бўйича хизмат кўрсатилишини таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, республиканинг валюта ресурсларини тўплаш ва ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Мазкур банк мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади. 1992 йилда "Ўзмиллийбанк" дунёдаги 83 та банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатган бўлса, бугунги кунга келиб саксондан ортиқ мамлакатдаги 683 та халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида "Ўзмиллийбанк" Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Япония Халқаро ҳамкорлик банки, Германиянинг КФВ банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕК Фонди, Корея Эксимбанки, Хитойнинг Эксимбанки, Хитой Давлат Тараққиёт банки ва бошқа жаҳон ва хорижий давлатлар молия ташкилотларининг бир қанча кредит йўналишларини жалб қилди.

Барчамизга яхши маълумки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада банк томонидан айтишга арзигулик ишлар амалга оширилаётир. Соҳа вакилларига моддий кўмак бериш мақсадида 2015 йилда 1,8 триллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 1,3 триллион сўмдан ошиб, беш мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Тадбиркорларимизнинг товар ва хизматларини экспорт қилишда банк ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарма томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойида 1 минг 600 дан зиёд тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди.

Анжуманда жамғарма кўмагидан фойдаланаётган тадбиркорлар сони борган сари кўпайиб бораётгани, бу эса ўз-ўзидан экспорт кўламининг ошишига олиб келиши таъкидланди.

Матбуот анжумани сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Абдуалим САЛИМОВ

Тошкент шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида юқори вольтли электр узатиш линиялари ва тақсимлаш пунктларини таъмирлаш ҳамда модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти аҳоли ўртасида энергияни тежаш, замонавий электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

ЭНЕРГЕТИКЛАР МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Электр энергиясини станциялардан истеъмолчиларга етказиб беришда маълум йўқотишлар бўлади. Аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ва йўқотишларни маълум миқдорда камайтириш энергия етказиб берувчиларнинг муҳим вазифаларидандир. Президентимизнинг 2016 йил 10 июндаги Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

"Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, электр энергиясига бўлган талаб муттасил ошиб бормоқда. Бу, авваламбор, аҳоли фаровонлиги юксалганидан далолатдир. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилаётган қулай шароитлар туфайли янги корхоналар, фирма ва компаниялар ташкил этилаётир. Айни пайтда пойтахтимиздаги 595 мингдан зиёд жисмоний ва 18 мингдан зиёд юридик истеъмолчи шаҳар электр таъминоти тармоқларига уланган. Буларнинг бари электр таъминоти тармоқлари фаолиятини янада кенгайтириш, электр узатиш линияларининг ўтказувчанлик қобилияти ва трансформатор нимстанциялари қувватини оширишни талаб этади. Бу борада тармоқлар модернизация қилиниб, эскирган электр узатиш симлари янгисига алмаштирилмоқда, фойдаланилган электр энергияси учун тўлов интизомини оширишга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда пойтахтимиздаги 341 кичик трансформатор нимстанцияси капитал таъмирланди, ишга яроқсиз бўлган станциялар янгиланди, 41,6 километрлик электр тармоқлари реконструкция қилиниб, 94 тармоқ трансформатори таъмирланди. Куз-қиш мавсумида электр тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳримизнинг барча туманларида бу борадаги ишларни мувофиқлаштирадиган штаблар фаолият юритмоқда, туман электр тармоқлари ходимларининг туну кун навбатчилиги йўлга қўйилган, авария бригадалари шай ҳолатга келтирилган. Тошкент шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Замонавий ахборот технологиялари электр таъминоти соҳасига ҳам муваффақиятли жорий қилинмоқда. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилгани ҳамда янги электрон ҳисоблаш приборларининг ўрнатилиши натижасида истеъмолчилар билан электр энергияси учун ҳисоб-китоб олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилмоқда. Баланс "нул" бўлган ҳолатда марказий электр таъминотига улаш ва ўчириш тўлиқ автоматлаштирилган. Масалан, Бектемир туманида замонавий янги тизим муваффақиятли жорий этилгани самарасида фойдаланилган электр энергияси учун тўлов интизоми юксалиб, истеъмолчиларнинг қарздорлик даражаси камайган.

Электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани унинг сарфини камайтириш ва ундан тежаб фойдаланиш усулларини жорий қилишни талаб этмоқда. Энергия тежайдиган ускуналарни қўллаш сарфланадиган энергиянинг умумий ҳажмини камайтириш ва истеъмолчилар маблағини иқтисод қилиш имконини беради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва кенг қўлланилаётган энергия тежайдиган люминесцент ва светодиод лампалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бундан ташқари, "Электр ҳисобга олиш" дастури етказиб берилган электр энергияси учун ўз вақтида маблағ йиғиб олиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилаётир. Тижорат банклари, "Ўзбекистон почтаси", "Paynet" тўлов тизимлари кўрсатилаётган хизмат учун тўлов тизимини такомиллаштиришнинг муҳим усулларидандир. Бунинг самарасида электр энергияси тўловлари тизими соддалаштирилди, электр энергиясидан фойдаланиш тартиби назоратга олинди. Дастур online технологиялари орқали истеъмолчиларга шахсий кабинет ва SMS-хабар ёрдамида тезкор ахборот тақдим этишни автоматлаштиради. Ҳар бир истеъмолчи мазкур дастур орқали тўловнинг жорий баланси, келиб тушган тўлов, ҳисоблаш ускунасидан олинган кўрсаткичлар, ҳисоб-китоб жараёни ва тўловнинг жорий ҳолати ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши мумкин.

– Илгари электр энергияси ҳақини "Ўзбекистон почтаси" орқали тўлардик, – дейди пойтахтимизнинг Қорасув-2 даҳасида истиқомат қиладиган Ф.Олимова. – Тўловлар амалга оширилганини кузатиш бироз мураккаб эди. Энди тўловларимиз ҳақида ҳар ойда хабар келади. Фойдаланилган электр энергияси учун қарздорликнинг олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш минглаб кишиларнинг машаққатли меҳнати самарасидир. Ундан оқилона фойдаланиш орқали биз нафақат ўзимиз, балки мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшамиз.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 22

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
7.40 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
9.10 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ўзбекистон бағрикенг диёр".
11.30 "Устурлоб".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
13.50 "Анонс".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Замин тарихи". Ҳ/ф. 1-қисм.
18.10 "Менинг ҳуқуқим".
18.20 "Имконият".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.00 "Сўнмас туйғулар". Б/ф.
00.00 "Менинг боғим".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ватан". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ёдгор". Т/с.
7.20 "Нуқтаи назар".
8.00 "Қизлар мактаби".
8.30 "Ойижон". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот"-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ош бўлсин!"
11.40 "Соғлом хаёт".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Вашингтон майдонидаги уй". Б/ф.
15.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига:
"Истиқлол шукуҳи".
16.00 "Давр".
16.10 "Даҳолар". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига:
"Истиқлол тенгдошлари".
17.30 "Испан афсонаси". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Фан ва ёшлар".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Ночор самурай". Б/ф.
00.40 "Мўъжизавий дунё".
1.30 "Афсона ва ҳақиқат".
5.00 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Пойтахт-Hi-tech".
11.25 "Эртамиз эгалари".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Мактуб". Ҳ/ф.
18.50 "Poytaxt-avto".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с.
21.00 "Сифат назорати".
21.30 "Пойтахт-авто".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Боевой конь". Х/ф.
00.35 "Пойтахт-культура".
00.50 "Ҳикматли дунё": "Бахт ови".
1.35 "Кинотақдим".
2.15 "Бахт кўрғони".
2.45 "Сифат назорати".
3.15 "Мен сизга айтсам".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

7.00 Мадҳия.
7.05 Кўрсатувлар тартиби.
7.10 "Sport-online".
8.15 "Ёзги Олимпиада – 2016".
10.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
11.00 "Ёзги Олимпиада – 2016".
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 XXXI Ёзги Олимпия ўйинларининг ёпилиш маросими.
17.35 "Спорт сабоқлари".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Ёзги Олимпиада – 2016".
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.50 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.25 "Ёзги Олимпиада – 2016".
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 – 6.00 "Ёзги Олимпиада – 2016".

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал.
"Кўнгил кўчалари".
6.35 "Муҳаббат риштаси".
7.00 Миллий кино.
"Нафс".
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 Миллий кино. "Соддагина қиз".
10.05 "TV анонс".
10.10 "Маҳалламиз спортчилари".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Гузардаги гурунглар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино.
"Кечиккан ҳаёт".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток- шоу.
15.00 Миллий сериал.
"Тазарру".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.25 "Изҳор".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал.
"Вақт қадри".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал.
"Имтиҳон".
19.30 "TV анонс".
19.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
"Асрга татигулик йиллар".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Меҳригиё".
21.30 "TV анонс".
22.35 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Юксалиш мезонлари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал.
"Кўнгил кўчалари".
00.35 "Нуроний фасл".
1.00 Миллий кино.
"Кечиккан ҳаёт".
2.15 "Иш билганга минг танга".
2.45 "Маҳаллам ҳақида".
3.05 Миллий сериал.
"Тазарру".
3.35 "Меҳр қолур".
Ток-шоу.
4.20 "Бола бошидан".
5.00 Миллий сериал.
"Вақт қадри".
5.40 – 6.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Мультипанорама".
8.10 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Мультипанорама".
12.40 "Табиатга саёҳат".
13.00 "Миттивойлар мусобақаси".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.40 "Миттивойлар оиласи".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Story time".
16.30 "Эртаклар оламида".
17.40 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.00 "Ўйинқароқ болалар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Китоблар мамлакатида".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Алп йигитнинг уйланиши". Б/ф.
7.10 Истиқлол фильмлари. "Шунқорлар". Б/ф.
8.45 Саргузашт фильмлар экрани. "Ёлғиз сайёҳ".
10.25 "Пленницы". Х/ф. 1-қисм.
11.40 "Пленницы". Х/ф. 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Баҳор таронаси".
14.05 "Версаль воқеаси". Б/ф.
15.55 Болалар экрани. "Смитти". Б/ф.
17.30 "Саҳро жазирамаси". Б/ф.
19.05 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с.
20.00 Миллий кино. "Поймапой".
21.40 Ҳафта юлдузи. Хью Жекман.
22.00 Жаҳон киноси. "Кейт ва Лео".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Открытый чек". Х/ф.
1.40 "Чангалзор сирлари". Б/ф.
4.20 – 6.00 Миллий кино. "Ёнингдаман ота".

СЕШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
7.40 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
9.10 "Суҳбатдош".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.
11.50 "Анонс".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Хотира юки". Теленовелла.
13.15 "Қалб гавҳари".
13.50 "Анонс".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Таҳлил-25".
14.45 "Анонс".
14.55 "Қишлоқ ҳаёти".
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Кунларнинг бирида".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Анонс".
17.15 "Замин тарихи". Ҳ/ф. 2-қисм.
18.00 "Агроолам".
18.20 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес-старт".
22.10 – 00.00 "Олтинчи ҳиссиёт". Б/ф.
00.00 "Агроолам".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Осмондаги болалар". Б/ф.
3.45 "Кунларнинг бирида".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.10 "Қорачиқ".
5.30 – 5.55 "Нурли ришталар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ёдгор". Т/с.
7.20 "Ош бўлсин!"
8.00 "Ўргимчак тўри". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Нуқтаи назар".
11.40 "Қорақалпоқ ёшлари".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Ҳаммаси кўнгилдагидек". Б/ф.
15.40 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
15.50 "Бетакроримсан".
16.00 "Давр".
16.10 "Даҳолар". Т/с.
17.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Испан афсонаси". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Қочоқ". Б/ф.
00.40 "Мўъжизавий дунё".
1.30 "Афсона ва ҳақиқат".
5.00 "Фан ва ёшлар".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги". Т/с.
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.40 "Соғлом келажак". Ҳ/ф.
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги". Т/с.
13.15 "Кинотақдим".
13.40 "Профессионал".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Кўзгудаги Биз".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Телетаҳлил".
21.30 "Poytaxt-madaniyat".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Джой". Х/ф.
00.15 "Профессионал".
00.35 "Poytaxt-avto".
00.50 "Ҳикматли дунё": "Қалб".
1.35 "Кинотақдим".
2.15 "Кўнгил ҳайратлари".
2.50 "Мен сизга айтсам".
3.35 "Обод хонадон".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Болалар спорти".
6.35 "Спорт сабоқлари".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар.
8.15 "ФИФА".
9.45 "Эътироф".
10.00 "Осиёга назар".
10.15 "Ёзги Олимпиада – 2016".
11.15 "Шоҳсупага йўл".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Велоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 "Ёзги Олимпиада – 2016".
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Соғломжон-полвонжон".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Эътироф".
19.05 "Соғлом турмуш сари".
19.50 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. "Ал-Айн" – "Локомотив". Тўғридан–тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт- маркет".
22.00 Хабарлар (ўзб).
22.25 "Матонат".
22.45 Ёзги Олимпиада – 2016".
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 "Ёзги Олимпиада – 2016".
2.55 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси: "Ал-Айн" – "Локомотив".
4.40 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.35 "Тунги репортаж".
7.00 Миллий кино. "Меҳригиё".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Асрга татигулик йиллар".
9.05 Миллий сериал.
"Имтиҳон".
9.35 "Қадр топган қадриятлар".
10.05 "Халқ виждони".
Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "TV анонс".
11.35 "Очиқ дарс".
12.00 "Изҳор".
12.05 "Қайнона бисотидан".
12.35 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино.
"Ганг дарёсининг қизи".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал.
"Тазарру".
15.30 "Автотелемактаб".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал".
Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал.
"Вақт қадри".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Аслидек асрайлик".
18.20 "Бахтли болалик".
Ҳужжатли фильм.
18.35 "Ноёб институт".
19.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Саодатли умр".
20.00 "Биламизку, аммо".
20.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига": Туҳфа".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Сўнгги хато".
21.20 Миллий кино.
"Жодугар".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Табиат шифохонаси".
23.35 "Соғлом оила".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал.
"Кўнгил кўчалари".
00.35 "Жавондаги жавоҳир".
1.00 Миллий кино.
"Ганг дарёсининг қизи".
2.10 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал.
"Тазарру".
3.35 "Сулола".
4.00 "Ноёб институт".
4.30 "Илм қудрати".
5.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
5.35 – 6.00 "Фермер".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Мультипанорама".
8.10 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Мультипанорама".
10.30 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ алифбо".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.20 "Миттивойлар оиласи".
14.30 "Саргузаштлар ороли".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Табиатга саёҳат".
16.30 "Эртаклар оламида".
17.40 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.00 "Ўйинқароқ болалар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Болажон меҳмонхонаси".
19.50 "Билағон болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Ғаройиб бола". Б/ф.
7.30 Миллий кино. "Пойма-пой".
9.05 Саргузашт фильмлар экрани. "Грейстоук". 1-қисм.
10.15 "Грейстоук". Б/ф. 2-қисм.
11.25 "Неуправляемый". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Баҳор таронаси".
14.05 "Муҳаббат қушлари". Б/ф.
15.45 Болалар экрани. "Овчи ўғли".
17.10 "Хотира тикланганда". Б/ф.
19.00 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с.
19.55 Миллий кино. "Чол ва набира".
21.25 Жаҳон киноси. "Афсунгар". 1-қисм.
22.30 "Афсунгар". Б/ф. 2-қисм.
23.35 "Уч айиқча". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Пианино". Х/ф.
1.50 "Чангалзор сирлари". Б/ф.
4.20 – 6.00 Миллий кино. "Нахотки сен".

ЧОРШАНБА, 24

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
